

## Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма саккизинчи кисм)

Муаллиф:

07.08.2013 18:59 - Янгиланди 30.06.2017 23:12

---

Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4

### Шоядки, такводор бўлсаларингиз

#### Йигирма саккизинчи кисм

**«Эй, иймон келтирганлар! Качон сирли суҳбат килсангиз, гуноҳ, душманлик ва Пайгамбарга маъсиятга сирли суҳбат килмангиз. Яхшилик ва таквога сирли суҳбат килингиз. Хузурига тўпланиб борадиганингиз Аллоҳга такво килингиз».** *(Мужодал а сураси, 9-оят)*

**«Аллоҳ Ўз Расулига шаҳар-кишлоқ ахлидан кайтариб берган нарса... Аллоҳгадир ва Унинг Расулига ва якин қариндошларига, етимларга ва мискинларга ва кўча ўғилларигадир. Сизлардан бойларингиз орасида айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун. Пайгамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан кайтарса, ўшандан кайтинглар. Аллоҳдан кўркинглари. Албатта, Аллоҳ азоби зўр Зотдир».** *(Ҳашр сураси, 7-оят)*

**«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга такво килинглари! Хар ким эрталиқ кун учун нима қилганига назар солсин. Аллоҳга такво килинглари! Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир».** *(Ҳашр сураси, 18-оят)*

**«Хар ким эрталиқ кун учун нима қилганига назар солсин».**

«Эрталиқ кун» дан мурод – қиёмат. Қиёмат нисбатан жуда яқин вақт, шунинг учун ҳам у «эрта» дейилади. Демак, ҳар бир инсон қиёмат куни учун нима иш қилганини ўйлаб қўйиши керак. Албатта, қиёмат куни мол-дунё, мансаб, ҳасаб-насаб, ёр-дўст ёрдам бера олмайди, балки иймон, Ислоҳ ва қилинган яхши амаллари ёрдам беради. Шунинг учун, ҳар бир одам қиёматга тайёргарлигини қўриб қўйиши керак.

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло яна бир бор таквога буюради.

**«Аллоҳга такво қилинлар! Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир».**

Бу таъқид такво ниҳоятда аҳамиятли эканини билдиради.

Шу билан бирга, қим такво қилаётгани ва қим қилмаётганини Аллоҳ таоло билиб туриши ҳам таъқидланмоқда.

**«Агар аёлларингиздан бирортаси қофирларга ўтиб кетса, урушда туширилган ўлжадан хотини кетиб қолганга у нафақа қилган миқдорни берингиз. Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан кўркинг».** (Мумтаҳана сураси, 11-оят)

**«Ўзингиз иймон келтирган Аллохдан кўркинг».**

Ха, Аллохдан кўркилмаса, У Зотга такво килинмаса, одамларга нисбатан зулм содир бўлиши турган гап.

**«Аллохга кўлингиздан келганича такво килинг ва (амрини) тингланг ва итоат килинг ва инфок килинг – ўзингизга яхши бўладир. Ва кимки нафсининг кизганчиклигидан сакланса, ундайлар нажот топувчилардир».**

*(Тағобун  
сураси, 16-оят)*

Бу оятнинг аввалида Аллох таоло мўмин бандаларини Унга иложи борича ва имкони борича такво килишга даъват этапти, буюряпти.

**«Аллохга кўлингиздан келганича такво килинг...»**

Таквонинг чегараси йўқ, канча кўп бўлса, шунча яхши. Лекин инсон ўзини ортикча такаллуфга уринтириши Ислоҳ гоёси эмас. Аллох таоло бандаларини тоқатидан ташқари ишларга буюрмайди. Пайгамбаримз алайхиссалом: «Сизларни бир ишга буюрсам, кўлингиздан келганича килинг, бир ишдан қайтарсам, ундан қайтинг», деганлар. Демак, итоатнинг чеки йўқ, аммо манъ қилинган нарсалар бўлақларга бўлинмайди, уларнинг хаммасини бирдан адо этиш даркор.

**«Эй Набий! Агар аёлларни талок қиладиган бўлсангиз, иддалари учун килинг ва иддани хисобланг ва Аллохга такво килинг. Уларни уйларидан чиқарманглар ва ўзлари ҳам чиқмасинлар, илло, очик-ойдин фоҳиша иш қилган бўлсалар (чиқарил урлар) ва ана шулар Аллохнинг чегараларидир. Ким Аллохнинг чегарасидан чиқса, ҳақиқатан**

**Ўзига ўзи зулм қилибди. Сен билмассан, шоядки, Аллох ундан кейин бирор ишни пайдо қилса».**

*(Талок  
сураси, 1-оят)*

**«Ва улар муддатларига етсалар, яхшилик билан ушланглар, ёки яхшилик билан ажралинглар ва сиздан икки адолатли кишини гувоҳ қилинглар. Ва гувоҳликни Аллох учун қилинглар. Бу ишингиздан, кимнинг Аллохга ва қиёмат қунига иймони бўлса, ваъзланур. Ким Аллохга такво қилса, унинг йўлини очиб қўядир».**

*(Талок  
сураси, 2-оят)*

**«Аёлларингиздан хайздан ноумид бўлганларининг иддаси, агар шубхангиз бўлса, уч ойдир. Хайз кўрмаганлариники ҳам. Хомиладорларнинг иддаси хомидаларини қўймоқликдир. Ким Аллохга такво қилса, У Зот унинг ишида осонлик қилиб берадир».** *(Талок сураси, 4-оят)*

**«Булар Аллохнинг сизга туширган амридир. Ким Аллохга такво қилса, унинг гуноҳларини кечирур ва ажрини қўпайтириб берур».** *(Талок сураси, 5-оят)*

Талок, идда ва уларга тегишли бошқа масалалар оилавий ажралишларга боғлиқ бўлгани учун уларда бир-бирига зулм қилиш эҳтимоли кўп. Шунинг учун ҳам бу масалага оид оятларда Аллох таоло қайта-қайта таквога чақиради.

**«Ким Аллохга такво қилса, У Зот унинг ишида осонлик қилиб берадир. Булар Аллохнинг сизга туширган амридир. Ким Аллохга такво қилса, унинг гуноҳларини кечиради ва ажрини қўпайтириб берадир».**

**«Аллох уларга каттик азобни тайёрлаб кўйди. Бас, Аллохга такво килинг, эй, иймон келтирган ақл эгалари. Хақиқатан, Аллох сизларга зикрни туширди».** *(Талок сураси, 10-оят)*

Аллох, сирли суҳбатларимиз ҳам яхшилик ва такво учун бўлишини Ўзингдан сўраймиз. Оилавий ишларимиз, хаттоки талок масалаларида ҳам бизларни такво ила амал киладиганлардан қилгин.

Ё Раҳмон, кўлимиздан келганича такво килурмиз, ваъда қилганигдек, йўлларимизни очиқ қўйгин, ишларимизни осон қилгин, гуноҳларимизни кечиргин ва ажрларимизни қўпайтиргин.